Омон бўлинг,
МУШТАРИЙ

Ishonch

2013-yil 17-dekabr № 151 (3344)

**Тадбир**

# Гимнастика барча учун

**Хотин-қизлар ўртасида бадиий ва спорт гимнастикаси, аэробика, акробатика, трамполин, замонавий рақс ва фитнес машғулотларини ўзида бирлаштирган гимнастрада тобора оммалашиб боряпти. Бунди кўплаб мусобақаларнинг мунтазам уюштирилаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда.**



Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида «Гимнастика барча учун» шиори остида ўтган Ўзбекистон очиқ чемпионати қизиқарли баҳсларга бой бўлди.

Тадбир Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими вазирликлари, Гимнастика федерацияси ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилди. Мазкур мусобақада мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан 400 нафарга яқин иштирокчи ғолиблик учун баҳс олиб боришди.

Мусобақа иштирокчилари орасида гимнастрада билан мунтазам шуғулланаётган спортчилар билан бирга мактаб ва коллежлар ўқувчилари, уй бекалари, корхона ва ташкилотлар ходимлари ҳам борлиги диққатга сазовор.

Икки кун давом этган мусобақада 14 ёшгача бўлган қизлар, аралаш ва 45 ёшдан юқори бўлган аёллар жамоалари тайёрлаган композициялар ижро маҳорати, рақс ва гимнастика элементларини бажариш қобилияти бўйича баҳоланди.

Якунда бош соврин — Ўзбекистон гимнастика федерацияси кубоги Тошкент вилоятининг «Шанс» жамоасига насиб этди.

**Нарзулла МАҲАМОВ,**
**«Ishonch» мухбири.**
**Муҳаммад АМИН ЎзА олган сурат**

**Кўрик-танлов**

**Марғилон шаҳридаги 22-имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасасида ўнга яқин тўгарак иш юритаяпти. Айниқса, ўқитувчи Раҳматжон Муҳаммадаминов раҳбарлигида 18 йилдан буён фаолият кўрсатаётган «Ёш рассомлар» тўгарагининг нуфузи баланд.**

# Ранглар жилоси

*Яқинда бу ерда ташкил этилган «Мафтункор ранглар олами» кўрик-танловида 100 га яқин тасвирий санъат асарлари намойиш этилди. Ёш рассомлар асарларида она-Ватан, гўзал табиат манзаралари, бахтли болалик, дўстлик каби мавзулар жонли акс эттирилган.*

*— Ушбу танлов муассасамизда ҳар йили анъанавий тарзда ташкил этилади, — дейди муассаса раҳбари Назира Расулова. — Бу йилги танловда истеъдодли ёшларимиз шаҳарда биринчи ўринни эгаллашди. 8-синф ўқувчиси Худойберди Тожибоев эса Тошкент шаҳрида ўтказилган республика ёш рассомлар танловида қатнашиб, учинчи ўринни қўлга киритди.*

**Муҳаммаджон МАҲМУДОВ**




**Саёҳат**

## ОИЛАСИ БИЛАН

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Урганч туман кенгаши тармоққа қарашли ташкилотларда фаолият олиб бораётган ходимлар ҳамда оила аъзоларининг Самарқанд ҳамда Бухоро шаҳарларига саёҳатини ташкил этди.

Қадимий обидалар, шунингдек, мустақиллик йилларида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари саёҳатчиларда катта таассурот қолдирди.

**М.МАДАМИНОВА,**
**Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Урганч туман кенгаши раиси**

**Китоб жавонингизга**




**Ширин хаёл суриш осон, аммо яхши ҳаёт кечириш қийин. Бунинг учун тинимсиз ўқиш, ўрганиш, меҳнат қилиш талаб этилади. Табиийки, мақсадли машаққат чеккан киши меҳнати маҳсулини ҳам кўради.**

# Ҳаёт сабоқлари

Тиришқоқ, самимий ҳамкасбимиз Акмал Абдиевнинг йиллар давомида қалб қўри, том маънода пешона тери тўкилиши эвазига дунё юзини кўрган «Ҳаёт ўзи мураббий» («Янги аср авлоди». Тошкент. 2013) деб номланган китоби ҳам юқоридаги фикримизга исбот бўла олади.

Китобда ибратли инсонлар, эл-юрт хизматида камарбаста бўлаётган фидойилар ҳақида сўз боради. Дарҳақиқат, инсон ҳаёти давомида мукаммал бахтга интилиб яшайди. Бу йўлда кўплаб машаққатларга дуч келади, йиқилади, туради. Тўсиқлар, муаммолар қийнаган пайтда чекинмай, ўзининг тоғдек саботини намоён этади. Чексиз, ҳадсиз орзулар, умидлар уммонида сузади, ишонч аталмиш ҳисдан куч олиб, яна ва яна бахт қасрини бунёд этишга киришади. Буларнинг барчаси китобнинг асосий мезонини белгилайди. Китобни ўқир эканмиз, муаллиф олдига биргина мақсадни қўйганини кўрамиз. У яхшиларга ёндашиб, уларнинг эзгу амалларини тараннум этиш орқали бошқаларни, хусусан, ёш авлодни улардек бўлишга ундайди. Бу рангин чизгилар, мақолаларда ўз аксини топган. Мисол учун, «Маърифат фидойилари» мақоласида оддий қишлоқ муаллимининг туйғу ва кечинмалари, сермазмун ҳаётидан сабоқлар тилга олинса, «Элнинг кайвониси эди»да Қарши туманида яшаб ўтган эл оқсоқоли Сирожхон Раҳматовнинг халқпарварлиги, унинг бировга билдириб-билдирмай амалга оширган хайрли ишлари таърифланади. «Армон»да эса томирида ўзбек қони оқиб турган ҳар киши учун таниш манзара — ўзидан ошиб, авлоду зурриёди учун ўзини бахшида этадиган буюк оналаримиздан бири ҳақида таъсирчан битикларни ўқиш мумкин.

Бундан ташқари, болажонлар учун аталган бобдан қизиқарли эртак ва шеърлар ўрин олганки, бу сизни беғубор болалик сари етаклайди.

**Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

**Огоҳ бўлинг!**

**Янги йил яқинлашиши билан пиротехника воситалари савдоси авж олади. Байрамни мушакбозлик билан кутиб олиш қизиқарли, албатта. Аммо бу воситаларнинг шундай ғалати турлари борки, улардан фойдаланиш қатор кўнгилсизликларни келтириб чиқаради.**

# Пиротехника воситаларининг

## ноқонуний савдосига қарши чоралар кўрилмоқда

Жумладан, кўча-кўйда эрмакка айланган «пақилдоқ»нинг юракни ўйнатадиган товушидан ҳамма безган. Оммавий ахборот воситалари орқали унинг зарарли оқибатлари ҳақида кўп чиқишлар қилинмоқда. Аммо уни яширинча сотадиганлар учун даромад муҳимроқ кўринади.

2009 йилнинг 10 декабрида Вазирлар Маҳкамаси томонидан «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида пиротехника воситалари айланишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» қабул қилинган қарор бу борадаги муаммоларни бартараф этишга қаратилган бўлиб, унда мамлакатимиз ҳудудига пиротехника воситаларини олиб кириш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш, сотиш ва улардан фойдаланиш тўхтатилиши белгиланган. Шунингдек, барча пиротехника воситалари олиб қўйилиши ва белгиланган тартибда йўқ қилиниши кераклиги таъкидлаб ўтилган. Бундан ташқари, мавжуд меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар асосида «Пиротехника буюмларини яратиш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш, реализация қилиш, улардан фойдаланиш, уларни йўқ қилиш ва утилизация қилиш бўйича фаолиятни лицензиялаш тўғрисида» Низом ишлаб чиқилган.

2010 йил 22 сентябрдаги «Пиротехника буюмлари муомаласи тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун ижросини таъминлаш, пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласининг олдини олиш, аҳоли орасида тарғибот-тушунтириш ишларини кучайтириш юзасидан амалга оширилиши лозим бўлган вилоят прокуратураси, МХХБ, ИИБ, ДСБ ва божхона бошқармаси ҳамкорлигидаги комплекс ташкилий-таҳлилий ва тезкор профилактик тадбирлар режаси ишлаб чиқилган.

Ҳозир ушбу тадбир асосида иш юритилмоқда. Уларнинг ҳаммаси юртимизга пиротехника воситалари кириб келишига ва сотилишига қатъиян чек қўяди. Мазкур қарорнинг аҳамияти шундаки, катта-ю кичик учун бирдай зарарли бўлган пиротехника воситалари ортидан келадиган хавф бартараф этилиб, ҳаётимизнинг ҳар бир куни осойишта ўтишини таъминлашга хизмат қилади.

**Зафар СИНДОРОВ,**
**Навоий вилоят Давлат солиқ бошқармаси бошлиғининг ўринбосари**




O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari
Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati:
Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV, Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-16-68; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi:
133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir:
B.Rizayev
Navbatchi:
U.Ibodinov
Musahhih:
S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti - 21.30
Topshirildi - 21.30

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Buyurtma Г — 1211

13521 nusxada bosildi

1 2 3 4